

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОТАЖНОВ ЖАМШИДБЕК МАШРАБЖОНОВИЧ**

**БҮЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА РЕФЛЕКСИВ  
КҮНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари бүйіч ағылшын фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical  
sciences**

**Отажонов Жамшидбек Машрабжонович**

Бүлажак бошланғич синф үқитувчиларида

рефлексив

күйнекіларни 3

ривожлантириш.....

**Отажонов Жамшидбек Машрабжонович**

Развитие рефлексивных умений у будущих

учителей

начальных

классов 19

.....

**Otajanov Jamshidbek Mashrabjanovich**

The development of reflective skills in future primary

school teachers

35

.....

**Эълон қилингандык ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published

works.....

39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКАУНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОТАЖНОВ ЖАМШИДБЕК МАШРАБЖОНОВИЧ**

**БҮЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА РЕФЛЕКСИВ  
КҮНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестацияни комиссиясида B2018.1, PhD/Ped499, рагам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тида (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси – [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-тъилим портала – [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халиков Аъзам Абдусаломович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исақулова Нилуфар Жаникуловна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Нурмайнов Абдуннатар Ташбаевич  
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рагамли илмий кенгашнинг 2020 йил 14 12 соат 9:00 даги мажлисида бўлуб ўтади. (Маизиз: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-й. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишин мумкин (1387 рагами билан рўйхатга олинган). Маизиз: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-й. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2020 йил 14 12 да тарқатилди.

(2020 йил 14 12 да 31 рагамли реестр баённомаси)



Илмий даражалар беруучи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д.  
А.Х.Махмудов

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсидаги олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларда рефлексив кўникмаларини ривожлантириш механизmlари таълим жараёнига тадбиқ этилган. Бўлажак ўқитувчиларда рефлексив кўникмаларини инновацион таълим методларини қўллаган ҳолда, замон талабларига мос, касбий компетентлиликка эга бўлган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш моделлари ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” биринчи даражали вазифа сифатида қаралиб, таълим мазмунини мазкур муносабатларга асосланиб шакллантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлаш жараёнида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик механизmlарини такомиллаштириш бўйича рефлексив кўникмалар асосида педагогик маҳоратни ривожлантириш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, педагогик олий таълим муассасаларида рефлексив-методик ёндашувдан фойдаланиш, рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга буюртмачилар талабларини интеграциялаш, касбий сифатларни интенсив технологиялар асосида ривожлантириш, касбга йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишларини белгилаш, ўқитувчилик касбини нуфузи ва обрўсими ошириш таълим жараёнига илгор хорижий тажрибаларни жорий этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш, бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини самарадорлигини оширишнинг меъёрий асослари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳаракатлар стратегияси”да “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Бунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг рефлексив фаолиятида методик тайёргарлик даражасини, рефлексив кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган технологияларни компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш имкониятлари кенгаяди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406 “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. –Т.: 2017 й.

Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Р.Х.Джураев, Н.Н.Азизходжаева, Н.А.Муслимов, Ў.Қ.Толипов, А.А.Халиков, Ш.Қ.Мардонов, Ш.Шодмонова, Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, М.Қурунов, Р.Аҳлиддинов М.И.Тошпулатовалар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ва рефлексив кўникмаларни ривожлантириш масалалари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришган.

МДҲ мамлакатларида педагогик рефлексияни ривожлантиришнинг назарий-методик асослари Л.С.Выготский, П.Я.Гальперин, В.В.Давыдов, А.К.Маркова, Л.И.Панова, С.Л.Рубинштейн М.В.Романоваларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Педагогик рефлексияни ривожлантиришнинг методик таъминотини яратиш масалалари хорижий олимлар E.Wenger, M.Wallace, K.Gray, C.M.Clark, F.F.Fuller, J.Cattellарнинг ишларида тадқиқ қилинган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Бошланғич синф ўқитувчилари учун фанлардан мультимидали дарс ишланмалари мажмусини яратиш» амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш технологияларни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини фалсафий, педагогик-психологик таҳлил қилиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш жараёнини моделлаштириш босқичларини аниqlаш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш кундалигини яратиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш жараёни бўлиб, Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Фарғона давлат университети олий таълим муасасаларидаги 5111700 - “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналишининг 1,2,3 - босқич талабалардан 565 нафари иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирилаш ва бошк.).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

рефлексив кўникмаларни баҳолаш мезонлари (педагогик-рефлексив қобилиятга эга бўлиш, рефлексив фикрлай олиш, мустақил фикрлай олиш) ни аниқлаштириш орқали бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг мотивацион, ҳиссий-эмоционал, коммуникатив ривожланиш даражаларини оширишнинг дидактик имкониятлари такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш технологияси босқичлари (аниқлаш, таснифлаш, тизимлаштириш, интенсивлик, ассимилиация, натижавий) методологик ёндашувга кўра субъект-субъект муносабатларини диагностик лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришни моделлаштириш жараёнида субъект (таълими мұхитнинг ташкилотчиси, бошқарувчisi ва иштирокчisi) рефлексив кўникмаларининг функциялари (бошқарув, ўқитиш, назоратни амалга ошириш, коммуникатив, ахборот) дидактик мақсадларини (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) идентив хусусиятларга кўра интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг адаптив (мустақил ишлашда талаб, изланиш, ижодий) ва репродуктив (кўргазмали тушунтириш, тинглаш, хотирада сақлаш, хатосиз талаффуз қилиш) таълими индивидуал ва дифференциал таълим технологияларининг интегратив хоссалари ижодий, эмоционал-рағбатловчи, вариатив-дидактик топшириқлари аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

“Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши” таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Умумий педагогика (Педагогик маҳорат)” дарслиги нашр этилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожланганлик даржасини аниқлашга қаратилган топшириқлар тўплами ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога педагогик ва психолого-методик ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи педагогларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб борувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жихатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг ташкилий тузилмаси, ўзига хос хусусиятлари, функциялари, жиҳатлари, стратегиялари ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг методик таъминоти, технологиялари ҳамда ишлаб чиқилган моделдан олий таълим муассасалари дастур, дарслер, ўқув қўлланмалар яратища фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришга оид олинган илмий натижалари асосида:

рефлексив кўникмаларни ривожланганлигини баҳолаш мезонлари (педагогик-рефлексив қобилиятга эга бўлиш, рефлексив фикрлай олиш, мустақил фикрлай олиш) ва даражалари орқали такомиллаштирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий фаолият тузилмаси элементлари мазмунига оид таклифлар 2015-2017 йилларда бажарилган “Бошланғич синф ўқитувчилари учун математикадан мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажарища фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20-июнь № 89-03-2188-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожланганлик даржасини аниқлашга қаратилган топшириқлар тўплами ишлаб чиқилган;

методологик ёндашувга кўра субъект-субъект муносабатларини диагностик лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш

технологияси босқичларига оид таклиф ва хulosалари асосида “Умумий педагогика (Педагогик маҳорат)” дарслиги ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-130 рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларниг мустақил таълимни ташкил этиш кўникмаларини ривожлантириш имконияти ошган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришни моделлаштириш жараёнида субъект рефлексив кўникмаларининг функциялари (бошқарув, ўқитиш, назоратни амалга ошириш, коммуникатив, ахборот)ни тизимли-типологик ёндашув орқали такомиллаштиришга оид таклиф ва хulosалардан “Ўзстандарт” агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 4574-сон қарори билан тасдиқланган бакалавриат йўналишлари «Педагогика соҳаси» Давлат таълим стандарти, Малака талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 сентябрдаги № 89-03-3400-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчилар педагогика олий таълим муассасалари талабаларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилган;

адаптив ва репродуктив таълим синергетик қоидалари орқали такомиллаштирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг кооператив, интелектуал, шахсий, коммуникатив, рефлексив кўникмаларни ривожлантириш моделига оид таклиф ва хulosалари асосида “Умумий педагогика (Педагогик маҳорат)” дарслиги ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-130 рақамли гувоҳнома). Натижада, бу таклиф бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш кундалигини яратилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та республика ҳамда 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хulosва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 135 сахифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган

олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, обьекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилингандиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг “**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида педагогик олий таълим муассасаларининг талабаларида “рефлексия” ва “рефлексив фаолият” тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, рефлексив кўникмаларни ривожлантиришда тадқиқотчиларнинг илмий назарий қарашлари, рефлексив кўникмалар асосида педагогик маҳоратни ривожлантириш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати баён қилинган.

Рефлексия атамаси лотин тилидаги “reflexio” сўзидан келиб чиқкан бўлиб, “орқага назар” деган маънони англатади. Рефлексив фаолият ҳар томонлама баркамол ривожланган инсоннинг ўз хатти - ҳаракатлари ва уларнинг қонуниятларини англашга қаратилган назарий фаолият шакли ҳисобланиб, инсон маънавий дунёсининг ўзига хос яширин хислатларини очиб берадиган ўз-ўзини билишга ва англашга қаратилган фаолиятдир.

Академик Р.Х.Джураев раҳбарлиги остида нашр этилган “Педагогик атамалр луғатида” педагогик рефлексияга куйдаги таъриф берилган: Рефлексия – 1) фикрлаш, ўз-ўзини назорат қилиш; 2) ўзининг шахсий ҳаракатлари ва уларнинг фикрлашга йўналтирилган инсон фаолиятининг назарий шакли; 3) ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлаш, хаёл суриш, фикр юритиш, уни таҳлил қилишга мойиллик.

Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, М.Қуров, Р.Аҳлиддинов ва И.Мажидовларнинг фикрича, рефлексия самарали фикрлашнинг муҳим тарзи, юз бераётган ҳодисани кенг тизим контекстида тушуниш жараёнларини алоҳида ташкил этиш, вазифаларни ҳал қилишга жалб этилган индивид ҳамда бошқа одамларнинг ўзини-ўзи таҳлил қилиши, ўз ҳолати ҳамда ҳаракатларини фаол ўйлаб кўришдан иборат жараёндир. Шу сабабли рефлексия ичидан ҳам, ташқаридан ҳам бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча рефлексив жараённи амалга оширишда инсон аввал олган билимлари асосида эгалланган бирор-бир фаолият ёки ҳаракат янги шароитларда бажариш қобилиятига мувофиқ бўлади. Рефлексия қобилияти психологик-педагогик ва методик билимларни онгли қўллашга асосланган педагогик фаолият усусларини эгаллашдан иборат, чунки рефлексия инсоннинг ўз билимлари ва кўникмаларидан мақсадга мувофиқ ва ижодий фойдаланиш натижасида орттирилган қобилиятдир. У баҳолаш амалларига, муаммони қўришга, танқидий фикрлаш ёрдамида қўпроқ қўзғатилиши кузатилади.

Тадқиқотчилар стереотипларга асосланган ҳаракатларни ОТМдаги рефлексив кўникмаларни ривожлантириш жараёнига тўсиқ деб

хисоблайдилар. Талаба вақти-вақти билан фаолиятига назар ташлаб, ўзига, ўз ички дунёсига ташқаридан назар солишини, яъни рефлексиялаш позициясига чиқишни ва “мен кимман?”, “мен нима қиляпман?”, “менинг фаолиятим мақсадим нимада?” деб ўзига савол беришини билмайди. Улар ўз фаолиятига танқидий баҳо беришини, таҳлил қилишини, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилишини билмайди шунинг учун одатий ҳаракатларни бажаришда давом этадилар.

Рефлексив кўникмаларни асосий хусусияти педагогик жараён ичида эркинлик принципини тадбиқ этиш ҳисобланади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, бўлажак педагогларни тайёрловчи аксарият ОТМлари таълимий фаолиятида талабаларларнинг шахсини такомиллаштиришга эътибор қаратмайди. Натижада шахснинг, аниқроғи, бўлажак педагог ахлоқий ривожланишдан ортда қолади.

Меъёр стериотипи, бажарилган амалларни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжини вужудга келтирмаслик, берилаётган маълумотларни шубҳасиз қабул қилиши, англашнинг устунлигини эмас балки билиш муҳимлигини тушунчасини ҳосил қилиши, меъёрлар олдида оғишиш – анъанвийлик ва рефлексиясизлик шаклланишига олиб келади

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчисида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш ижодий қасбий ривожланиш имконияти ва қобилиятини таъминлайди. Педагогик рефлексия шароитида педагогик фаолиятнинг ҳар қандай қўринишлари онгли, мазкур фаолият мақсадини, мотивларини англаш билан амалга оширилади.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш жараёни белгиланган мақсад ва вазифаларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишини таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат.

Рефлексив кўникмалар муаммоси янги ҳодиса саналади. Рефлексив кўникмаларни ривожлантириш шароитларига ўтишдан аввал, биз психологик ва педагогик рефлексиянинг боғлиқлиги муаммосига эътибор қаратиш мақсадга мувоғик, деб топдик. Бизга маълум бўлганидек, мазкур ҳодисаларда умумий жиҳатлар кўп бўлиб, улар ўртасидаги асосий боғловчи бўғин, инсоннинг ўзи ҳисобланади, чунки у педагогика ва психологиянинг ўрганиш обьекти саналади. Рефлексиянинг психологик асослари рефлексив кўникмаларни асосини ташкил этади.

Олий таълим муасасаларида таълим тарбия жараёнларини ташкил этишда талабаларнинг бошлангич тушунчалари асосида уларнинг фаоллигини таъминлаш, ўрганилаётган тушунчаларга нисбатан уларнинг қизиқишини ривожлантиришда рефлексив ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Чунки рефлексив ёндашув жараёнида талабаларни таҳлилий фаолиятга ундаш ва уларда рефлексияни ривожлантириш учун қулай вазиятлар вужудга келади.

Рефлексив фаолиятнинг муҳим хусусияти сифатида фаолиятнинг мақсадга йўналганлиги саналади ва унинг самарадорлигини оширади.

Мақсадсиз фаолият иккиламчи амалга оширишга эга бўлмайди, чунки у вазиятга хос бўлади, лекин барқарор бўлмайди ва самарали ҳаракатлар билан мустаҳкамланмайди

Рефлексив кўникмаларни ўрганиш, бизга рефлексив механизми фаоллаштириш, мутахассисга касбий тайёргарлик давомида ижодий, амалий ва касбий тафаккур ҳамда мулоқотда тушуниш жараёнларини оптималлаштиришга имкон беради

Рефлексия – бу билим эмас, уни олиш ва етказиш мумкин эмас, уни фақатгина фаоллаштириш, ривожлантириш, ошириш мумкин. Бунинг учун маҳсус стратегия таклиф этилади. Ушбу стратегиянинг моҳияти бошланғич синф ўқитувчилари рефлексив кўникмаларни ўзлаштирилиши педагогик фаолияти жараёнида изланиш фаолияти сифатида ташкил этилган.

Аввал юқори IQ га (интеллект коэффициенти) эга ўқитувчи самарали рефлексияни амалга оширади деб саналган. Энди бу фикр нотўғри ҳисобланади. Юқори IQ га эга айрим бошланғич синф ўқитувчилари фикрлаш жараёнида, рефлексиядан фойдаланиши самарасиз бўлади, бошка IQ лари анча паст бўлган ўқитувчилар эса фикрлаш фаолиятида рефлексив жараённи самаралироқ амалга оширади. Ўз тадқиқот ишимизда биз бошланғич синф ўқитувчисининг латерал фикрлаши амалий рефлексив кўникма эканлигини ва унинг ёрдамида интеллектни тажрибага таъсир кўрсатишини таърифлаймиз.

Демак, педагогик рефлексия ўқитувчининг бутун ҳаёти давомида шаклланиб ҳамда ривожланиб боради ва уни фаолият тури ёки фан тармоғи бўйича чегаралаб бўлмайди. Ҳар қандай рефлексив кўникмаларнинг шаклланишига маълум бир вақт давомида тўпланган билим ва малакалар замин яратади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, рефлексив кўникмаларнинг шаклланишида шахсий сифатлар билан бир қаторда, ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакалар асосий роль ўйнайди.

Шундай қилиб, рефлексия касбий ривожланишнинг тизимни шакллантирувчи омилидир ва шахсий тажриба ва фаолиятнинг стереотипларини англаш ва бартараф этишни таъминлайдиган қобилиятлар, усуслар, стратегиялар ва тактикалар билан тавсифланади, уларни қайта кўриб чиқиши, касбий вазифаларни ҳал қилиш жараёнида пайдо бўлган инновацион ғояларни илгари суради ва амалга оширади. Шунинг учун рефлексив-фаолият ёндашуви биз томонимиздан ўқувчининг касбий ривожланиш механизми сифатида қаралади

Диссертациянинг “**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари**” деб номланган иккинчи бобида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларини ривожлантиришга педагогик ёндашув асосида талабаларнинг фаоллигини таъминлаш мақсадида бажариладиган вазифалар билан фойдаланиладиган методлар ва турли ёндашув технологияларини мувофиқлаштириш, уларда ўқиш, ўрганиш, мустақил таълим олиш, таълим – тарбия жараёнларига ижобий

муносабатларни ривожлантириш воситаларини танлаш ҳамда ўзини ўзи ўрганиш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш, танқидий фикрлаш шунингдек рефлексив тафаккурни ривожлантирувчи ижобий мотивларни аниқлашнинг ташкилий тузилмаси таклиф қилинган.

Бошланғич синф ўқитувчиси шахсини муваффақиятли касбий шаклланиши, ўзи ва ўз касбий фаолиятига адекват баҳо бериши, яъни уни қай даражада барча муҳим аҳамиятли жиҳатларини рефлексиялаш – рефлексив кўникмаларни ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш воситаларига боғлиқ.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмалар ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш механизмлари фан-техника ютуқларига асосланган энг самарали технологиялар, ўқитувчилар ўз фаолиятида афзал билган ва илмий асосланган барча воситалардан ташкил топган тизим сифатида қаралади. Бунда бир томондан рефлексив кўникмалар ривожлантириш жараёнларидаги ҳамкорлиқдаги фаолият, бошқа томондан тарбиявий муносабатлар рефлексив кўникмалар ривожлантириш жараёнларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмалар ривожлантириш жараёнларидаги ўқитувчилар билан талабаларнинг ҳамкорлиқдаги фаолиятини ташкил этиш, яъни субъект-субъект муносабатларини шакллантириш тарбиявий муносабатлар асосида амалга оширилади ва мазкур жараёнда рефлексив кўникмалар ривожланиб боради. Тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ривожланиши рефлексив таълимий муҳитда ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорлиқдаги фаолияти самарадорлиги ҳамда инновацион ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлади.


Рефлексив кўникмаларни самарали ривожланишига бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг субъектив дунёқарashi ва дунёни идрок этиши орқали эришиш мумкин. Рефлексив кўникмалар бошқа касб сифатларига нисбатан детерминистик (объектив ҳақиқат ва ҳодисаларни алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги фалсафий таълимот) ўринни эгаллайди, шунинг учун педагогик олий ўқув юртларида ўқув жараёни шундай ташкил этилиши керакки, биринчи босқичданоқ (курс) бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмалар маҳсус ва тартибли равища ривожланиши зарур. Бу ерда рефлексиянинг иккита шаклини ажратиш муҳим: таълим олувчи шаклидаги рефлексия («талаба» ўрнида) ҳамда таълимни ташкил қилувчи шаклидаги рефлексия («педагог» ўрнида).

Рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг бошланғич босқичи сифатида биз индивидуал рефлексив кундалик тутиш талабалари учун энг маъқул шакл деб тадбиқ этдик.

Индивидуал педагогик рефлексия кундалигини таҳлил қилиш бизга ҳар бир талабанинг рефлексив қобилиятларини аниқлашга ёрдам беради. Мазкур дастур бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари томонидан учунчи курс таълими якунида амалга оширилди. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда рефлексив кўникмаларни ривожлантириш учун рефлексив жиҳатларга бой

методлар ва воситаларни қўллаш, ундан ташқари индивидуал рефлексив кундалик тутиш, рефлексив амалиётни жорий этиш, “Ақлий хужум” методидан фойдаланиш, махсус рефлексив семинарларни ташкил этиш ва рефлексив топшириқларни ечишга мўлжалланган турли назорат ишларини амалга оширишни талаб қилди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмалар ривожлантириш тизими белгиланган мақсад ва вазифаларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи компонентларни лойиҳалаштириш мумкин (1-Расм).



### 1-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш жараёни.

Келтирилган тизим талабаларда рефлексив кўникмаларни ривожлантириш тизимини ташкил этиш учун андоза сифатида хизмат қиласди

деб айтиш мумкин. Чунки модел аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил ўзлаштириладиган таълим-тарбия жараёнларининг барча шаклларини ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминловчи, белгиланган мақсад ва вазифаларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат бўлган тизим сифатида ишлаб чиқилган

Тадқиқот ишимиз жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш жараёнини моделлаштиришнинг тўрт босқичи аниқланган. Ушбу босқичлар мантиқан бир-бирига боғлиқ бўлиб, ҳар бири кейинги босқичга таяниб амалга оширилади, бу эса рефлексив кўникмаларни ривожлантириш жараёнининг мазмунини белгилайди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш жараёнини моделлаштириштириш босқичлари:

Харакатларни мотивацион асосини яратиш; рефлексив кўникмаларни ривожлантириш учун когнетив ва опперацион асосни яратиш; рефлексив кўникмаларни операцион асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш орқали талабаларни махсус ташкил этилган фаолиятга жалб қилиш; фаолиятни турли йўналишларида рефлексив кўникмаларни қўллаш ва такомиллаштириш;

Талабаларда рефлексив кўникмаларни ривожлантириш учун профессионал фаолиятни моделлаштириш методикасидан фойдаланиш, уларнинг ўқиши фаолиятида гурухий рефлексиялашни ташкил этиш, ижтимоий идрокни, шахслараро мулоқот кўникмаларни ва оғзаки мулоқотни ривожлантиришга қаратилган тренингларни ташкил этиш керак.

Мазкур асосий рефлексив кўникмалар ўзига хос рефлексив технологияни ташкил этади ва улар ёрдамида бошланғич синф ўқитувчиларининг рефлексив кўникмалари шакллантирилади.

Тадқиқотчилар рефлексив кўникмаларни барча афзалликларини намойиш этишга қанчалик ҳаракат қилишмасада, рефлексияни таълимнинг одатий, стандарт методлар ёрдамида ўргатиш мумкин эмас. Агар ўқитувчи рефлексия тўғрисидаги айrim билимларни ва уни ривожлантириш усулларини ўзлаштирса ҳам, уларни мустақил равишда фаолиятида қўллаш олмайди.

Педагогика ва психологияда талабаларнинг рефлексив кўникмаларни ривожлантиришда фойдаланиладиган метод ва усулларни яратиш ва амалда қўллаш бўйича қатор тажриба-синов ишлари амалга оширилган. Рефлексив кўникмаларни ривожлантиришни моделлаштиришда муаммоли конфликтологик мазмунга эга педагогик масалаларни ечиш, гурухий мунозара, ташкилий-тарбиявий ўйинлар кабиларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Рефлексив кўникмаларни ривожлантириш асосидаги моделлаштиришга қаратилган усул ва воситаларга педагогик масалалар ва рефлексив машқларни ечиш ҳамда илмий-педагогик матнлар билан ишлашни киритиш

мумкин. Рефлексив кўникмаларни ривожлантириш усуллари орасида рефлексив практикум алоҳида ўрин эгаллади

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш жараёнлари моделини лойиҳалаштиришда таълим-тарбия жараёнларида шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос жиҳатларини ҳамда талабаларнинг шахсий сифатлари такомиллашуви ни таъминлаш учун имконият яратувчи вазиятларни вужудга келтириш заруратларини ҳам инобатга олиш зарур.

Олиб борилган тадқиқотимиз натижаларига кўра бугунги кунда рефлексив кўникмага эга бўлган ўқитувчиларда вариативлик, субъективлик, ижодий индивидуаллик, касбий маҳорат, педагогик зийраклик ва педагогик мулоқот маданияти, шахсий имкониятларига йўналтирилган таълим технологиялардан самарали фойдаланиш кўникмалари ривожланади.

Рефлексияни ривожлантириш бўйича талабаларни фаолиятини ташкил қилиш услуби асосида рефлексив маҳоратни шакллантиришнинг изчиллиги, босқичма-босқичлиги, ҳар бир иштирокчини ўзини ва бошқа субъектни тушунишни ўзгартириш тарзи ётади. Ҳар бир босқич олдингисига таянади ва навбатдагиси учун пойдевор бўлиб хизмат қиласи.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмалар ривожлантириш жараёнларини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришга объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлади. Объектив омилларни давлатнинг янги таълим сиёсати, таълим соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар, таълим муассасаларининг инновацион фаолият йўналишидаги тажрибалар ташкил этса, субъектив омилларни ижтимоий-ҳудудий эҳтиёж ҳамда таълим муассасалари фаолиятининг ривожланиш жараёни, талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ривожланиши ташкил этади.


Демак, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришга эришиш зарур бўлган мақсадлар йўналишида талабаларнинг фаоллигини таъминлаш самарадорлиги кўп жиҳатдан асосий воситалар сифатида майдонга чиқувчи мотивлар ҳамда мотивлаштириш жараёнини ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг рефлексив кўникмаларини ривожлантириш жараёни босқичма-босқич таълимнинг интерфаол усуллари ва рефлексив муҳитни яратиш орқали амалга оширилиши керак. Рефлексив кўникмалар келажакда бошланғич синф ўқитувчисига педагогик фаолият натижаларини аниқ намоён этиш, навбатдаги касбий-педагогик фаолият мақсадини олдиндан белгилаш ва шахсий касбий педагогик йўналишини белгилашда ёрдам беради.

Мазкур ёндашувнинг моҳияти кўпроқ рефлексив кўникмаларни бўлажак бошланғич ўқитувчилари профессионал фаолиятининг ажралмас қисми сифатида тушунишни тақозо этади ва унинг асосида талабалар билан ишлаш бўйича маҳсус модел ишлаб чиқиши талаб қилди.

Келтирилган модел бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш тизимини ташкил этиш ва бошқариш учун андоза сифатида хизмат қиласи деб айтиш мумкин. Чунки модел олий таълим муассасаларидағи таълим-тарбия жараёнларининг барча шаклларини ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминловчи, белгиланган мақсад ва вазифаларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлик бўлган ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат бўлган тизим сифатида ишлаб чиқилган. (3-расмга қаранг):

**Мақсад:** Рефлексия ҳакида асосий билимларни шакллантириш ва асосий рефлексив күнікмаларни ривожлантириш;



### 3-расм. Талабаларнинг рефлексив күнікмаларини ривожлантириш модели

Тавсия қилинган модельни ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, педагогик олий таълим муассаси талабаларининг рефлексив күнікмалари

асосан психолого-педагогик фанларни ўрганиш вақтида шаклланади ва ривожланади. Бунда мотивацион-мақсадли, креатив, эмоционал-иродавий, коммуникатив-технологик, назорат ва баҳоловчи услубий шакл компонентлари касбий-педагогик фаолиятдаги рефлексиянинг амалга оширишга қаратилган.

Мотивацион-мақсадли компонент рефлексив кўнималарга бўлган эҳтиёжни ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятида унинг мақсад ва мотивларини англаши зарурлигини ифодалайди.

Диссертациянинг “**Педагогик тажриба синов ишларини ташкил этиш**” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини мазмуни ва эксперимент ишидан олинган таҳлили натижалари келтирилган. Тажриба-синов ишлари 2017-2020 йилларда Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти ва Фарғона давлат университетларида 5111700 - “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналишининг 1,2,3 - босқич талабалардан 565 нафари иштирок этган.

Педагогик тажриба-синов ишнинг мақсади тажриба йўли билан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўнималарни ривожлантириш учун умумий, хусусий ва ўзига хос шароитларни яратиш зарурлигини кўрсатишдан иборат. Мазкур иш давомида қуйидаги вазифалар бажарилди:

психолого-педагогик адабиётлардаги маълум бўлган диагностика методикалари ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўнималарнинг ривожланганлигини ўлчаш мезонларини танлаш ва мослаштириш; олий ўқув юртининг таълим жараёни шароитида рефлексив кўнималарни ривожлантириш жараёнини моделлаштириш; белгиланган олий ўқув юртларининг «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» таълим йўналиши талабаларида рефлексив кўнималарини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларининг натижаларини таҳлил қилиш.

Кўйилган мақсадга мос равища тажриба-синов иши босқичли хусусиятга эга бўлди ва уларнинг ҳар бирида маълум бир вазифалар бажарилди. Тадқиқотнинг мақсади, мазмуни ва методлари кириш қисмида кўрсатилган.

